

Нодавлат пенсия фондларини ташкил этиш Ўзбекистон пенсия тизимини такомиллаштиришда қуйидаги имкониятларни ярадади:

➤ Нодавлат пенсия фондлари ялпи миллий жамғариш хажмини оширади ва инвестициялар миқдорининг ўсишига таъсир этади;

➤ Нодавлат пенсия фондлари пенсиялар миқдорини ишловчининг иш ҳақиға ва пенсия жамғармаларининг самарадорлигига боғлиқ равишда ривожлантириш имконини беради;

➤ Бунда иштрок этувчилар ихтиёрий равишда пенсия бадалларини тўлайдилар ва бут маблағлар миқдорини йил давомида ўзгартириш имкони мавжуд;

➤ Бу тизимида иштрок этувчилар ўз жамғармаларини кузатиб бориш имкониятига эга;

➤ Бу тизим қонунчилик бўйича доимий равишда давлат томонидан назорат қилинади;

➤ Нодавлат пенсия фондлари иштирокчилари фондларнинг пенсия режалари билан танишиш имкониятига эга бўладилар;

➤ Иштирокчилар қанча вақт бу тизимда узоқ иштирок этса, пенсия даври давомида пенсия миқдори шунча юқори бўлади.

Ҳозирда кўплаб ривожланган мамлакатларда пенсия ёши 65 ёш қилиб белгиланган. Европа ва АҚШда яқин йиллар ичида бу чегарани 70 ёш қилиб белгилаш назарда тутилмоқда. 2005 йилдаёқ Еврокомиссия Европа Иттифоқи мамлакатлари пенсия ёшини босқичма-босқич ошириб бориши зарурлиги бўйича тегишли тавсия берган. 2060 йилга бориб иқтисодий нуқтаи назардан оптимал вариант 70 ёш атрофида бўлади[6]. Манашу жиҳатдан Ўзбекистонда ҳам 2020-2050 йилларда аҳоли таркибида пенсионерлар улушини ошишини инobatга оладиган бўлсак, пенсия ёшидаги аҳоли соғлиқни-сақлаш, ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатиш соҳаларининг етакчи истеъмолчиси бўлади, бу эса ЯИМда хизматлар соҳасининг улушини ортишига ва провардда эса миллий иқтисодиётни барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун пенсия ёшини ошириш ва пенсия тизимида қўшимча манбааларни ташкил этиш иқтисодиёт учун ҳам фуқароларнинг пенсия ёшидан кейинги турмуш фаровонлигини таъминлаш учун ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
2. Вахобов А.В., Мажидов Н.М. “Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли” номли Монография. Тошкент. “Университет” 2017.
3. Ражабов Ш. У. “Нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш ва инвестицион фаолликни ошириш” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) даражасини олиши бўйича диссертацияси автореферати. Тошкент – 2018.
4. Рустамов Д.Р. “Ўзбекистонда пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари” мавзуси бўйича иқтисод фанлари доктори (Dc) даражасини олиш бўйича автореферати. Тошкент – 2018.
5. Вахобов А.В. раҳбарлиги остида. “Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси” дарслик; Т.: “иқтисод-молия”-2018.
6. Moody's” баҳолаш агентлиги ҳисоботидан.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ МУАССАСАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳалимов Фурқат Эминжонович -
Тошкент молия институти мустақил изланувчиси

Аннотация. Мақолада жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда мамлакатда молиявий муносабатлар, давлат молия тизими, молиявий сиёсат ва молия бошқарувининг назарий асослари шакллантирилган.

Калитли сўзлар: молиявий муносабатлар, бюджет сиёсати, давлат молия тизими, жисмоний тарбия, спорт муассасалари, молиявий сиёсат, молиявий-иқтисодий муаммолар, болалар спорти.

Аннотация. В статье рассматриваются особенности этического газа, организованного для развития отношений на физкультурных и спортивных соревнованиях, а также работы в странах, системы государственных финансов, эффективности и финансового менеджмента.

Ключевые слова: бюджетная политика, государственная финансовая система, физическая культура, спортивные сооружения, постоянная политика, жилищно-экономические условия, детский спорт.

Annotation. The article deals with the features of the ethical gas organized for the development of relations at physical culture and sports competitions, as well as work in countries, the system of public Finance, efficiency and financial management.

Key words: budget policy, state financial system, physical culture, sports facilities, permanent policy, housing and economic conditions, children's sports.

Тарихий манбааларга кўра, XVIII аср бошидан XIX аср охиригача, бугунги кунда кенг ёйилган ва танилган замонавий спорт 150 йиллик давр оралиғида шаклланди[1]. Аммо XX асрнинг бошига келиб спорт мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тобора ўрни ортиб бориши оқибатида, унинг турли йўналишларда ривожланганлиги кузатилади[2]. Тарихий назардан ўта қисқа даврда жисмоний тарбия ва спортнинг аввало инсонларнинг турмуш тарзидан мустаҳкам ўрин эгаллаши ва унинг тобора саноат даражасида ривожланиши илм-фаннинг барча жабҳалари бўйича чуқур илмий-тадқиқотларнинг амалга оширилишига асосланади. Бундай ўзгаришларнинг асосини инсонларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг барча жабҳаларини тобора чуқур тадқиқ қилиши ва илмий тадқиқот натижаларини фаол тарзда қўлдан келтиришга жорий қилинишига асосланади.

Бугунги кунда жамиятда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга бағишлаб турли ихтисосликлар (ижтимоий, маданий, ахлоқий, психологик) доирасида кўплаб хорижий ва маҳаллий олимлари ва тадқиқотчилари томонидан илмий-амалий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатда жисмоний тарбия ва спортда узлуксиз таълимни ташкил қилиниши, жамиятнинг барқарор ривожланиш жиҳатларини ўз тадқиқотларида К.Т.Шакиржонов, У.Р.Абдумаликов, Т.А.Шакиржанов очиб беришган[3], А.А.Танибердиев[4] ва А.М.Ачилов[5] жисмоний тарбия ва спортнинг жамиятда таълим тизими орқали ривожлантириш муаммоларини ўрганишган.

Спортнинг ижтимоий феномен ҳамда ижтимоий бошқариш объекти сифатида хорижий олимлардан П.Бурдые[6], Т.Веблен[7], М.Омахоуни[8], И.М.Быховская, Л.П.Матвеева[9] томонларидан амалга оширилган илмий-тадқиқотларни келтириш мумкин. А.Гоннашвили спортнинг ижтимоий жиҳатларининг методологик асосларини ва парадигмаларини очиб берган[10].

В.И.Жолдак ва Н.В.Коротаева[11] жисмоний тарбия ва спортнинг ижтимоий жиҳатларининг ташкилий тузулмаси, механизми ва характерини очиб беришган бўлишса, аҳолининг спорт билан шуғулланиш жараёнларини бошқариш масалалари, Д.Ш.Богданова[12], П.К.Кузнецова[13], И.М.Сальникова-ларнинг[14] илмий тадқиқотларида ўрганилган.

Спортнинг маданий омилларини тадқиқ қилиши натижасида замонавий шароитда спортнинг бугунги кунда дунё бўйича кенг ёйилиши сабабларини И.М.Быховская ўз тадқиқотларида очиб беради[15]. А.А.Болозин жисмоний тарбия ва спорт, ёшларнинг шаклланиши ва истиқболда рақобатбардошлик ҳамда ҳаётининг зарур кўникмаларини шакллантиришда ўрни муҳимлигини ўрганган холда соҳанинг бошқа кўплаб ижтимоий соҳаларига ижобий таъсирларини очиб берган[16]. Ўз навбатида, жамиятда спортнинг ривожлантирилиши, миллий ҳавфсизликни таъминлашдаги муҳим омилларидан бири сифатида А.В.Верещагина, С.И.Самыгин ўз тадқиқотларида эътироф этишган[17].

Аммо маълумки, бирон-бир соҳанинг ривожланиши ва самарадорлигини таъминлаш муаммоларини бевосита молиявий муносабатлар ва уларнинг самарадорлигига асосланган бўлади. Ушбу жиҳатдан, белгилаш зарурки, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида молиявий муносабатлар ва улардаги муаммолар кўплаб хорижий олимлар томонидан илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, жисмоний тарбия ва спортнинг молиявий-иқтисодий муаммоларининг назарий ва методологик тадқиқотларни амалга оширган хорижий олимлар ва мутахассисларнинг тадқиқот йўналишлари ва хулосаларини ўрганиш асосида белгилаш зарурки, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида юзага келадиган кенг қамровли молиявий муносабатлари тадқиқ этилган.

Маҳаллий олимлар томонидан ҳам жисмоний тарбия ва спортнинг молиявий-иқтисодий муаммолари тадқиқоти амалга оширилган бўлиб асосан, болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолиятини ташкил қилиш технологияси, соҳани ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида, узлуксиз таълимни ривожлантириш муаммолари тадқиқ этилган (1-жадвал).

1-жадвалда илмий тадқиқотлари таҳлил қилинган муаллифларнинг изланишлари асосан болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, узлуксиз таълимни ташкил қилиш ва ривожлантириш, Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарсларини тақомиллаштириш муаммолари ўрганилган.

Шу билан бирга белгилаш лозимки, мамлакатда молиявий муносабатлар, давлат молия тизими, молиявий сиёсат ва молия бошқарувинининг назарий асослари кўплаб олимлар томонидан тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жисмоний тарбия ва спортнинг молиявий-иқтисодий муаммоларини назарий ва методологик тадқиқотларини амалга оширган Ўзбекистон олимлари ва мутахассислар

Муаллифлар	Йиллар	Тадқиқот йўналишлари/хулосалари
А.М. Ачилов[5]	2012	Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг жисмоний тарбия ва соғломлаштириш фаолиятини ташкил қилиш технологияси муаммоларини тадқиқ этган.
К.Т. Шакиржоновна, У.Р. Абдумаликов, Т.А. Шакиржанов[3]	2018	Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида, узлуксиз таълимни ташкил қилиш ва ривожлантириш билан боғлиқлигини асослашган.
А.А. Танибердиев[4]	2019	Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарслари учун кластер модулини ишлаб чиқиш муаммоларини тадқиқ этиш асосида жисмоний маданият ва спорт фанининг ўқув элементларининг таркибий аҳамиятини баҳолашнинг эксперт услуги, таълим ва тарбия жараёнида кластер-модул аҳамияти масаларини очиб берган.

Манба: илмий адабиёт ва манбаларни умумлаштириш асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жумладан, А.У.Шеров “Ўзбекистонда бюджет сиёсати йўналишларини такомиллаштириш” мавзусидаги докторлик диссертациясида Ўзбекистонда бюджет сиёсатини амалга ошириш йўналишлари, бюджет сиёсати самарадорлигини белгилаб берувчи омиллар таҳлили ҳамда Ўзбекистонда бюджет сиёсатининг ривожланиш тенденциялари ва унинг амалдаги ҳолати таҳлили муаммоларини таҳлил қилган[18].

М.Х.Темиров “Ўзбекистон Республикасида давлат молия тизимини ислоҳ қилишнинг истиқболли йўналишлари” мавзусидаги диссертация тадқиқотида бюджет даромадларининг шаклланиш манбалари ва унинг иқтисодий ривожланишдаги ўрни, бозор иқтисодиёти шароитида бюджет харажатлари ва унинг таҳлили ҳамда давлат бюджети харажатлари кесимида бюджет маблағларини назорат қилиш хусусиятлари очиб берилган[19].

А.Вахобов ва Т.Маликов тадқиқотларида молиянинг моҳияти ва функциялари, молиявий сиёсат ва молия бошқаруви, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлиги, давлат молиясини амалга оширишда қўлланилувчи усуллар ҳамда давлат молиясининг назарий асослари тадқиқ этилган[20]. Т.С. Маликов, Н.Ҳ.Ҳайдаров “Молия: умумдавлат молияси” ўқув қўлланмасида давлат бюджети, унинг тизими ва тузулмаси, унда амалга ошириладиган жараёнлар, давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари, ижтимоий таъминот йўналишларнинг назарий асослари очиб берилган[21].

Миллий иқтисодиёт мустақилликга эришган даврлардан бошлаб молия тизимини ривожлантиришга бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўли-

шига қарамасдан, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатлари муаммолари илмий жиҳатдан тўлиқ тадқиқ этилмаган.

Шунинг учун, жисмоний тарбия ва спорт муассасалари ва уларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни, молиявий муносабатларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва бунда илғор хорижий тажрибаларини назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Амалга оширилган тадқиқотлар асосида белгилаш зарурки, бозор иқтисодиёти муносабатлари мавжуд бўлган мамлакатларда жисмоний тарбия ва спортни молиялаштириш учун турли молиявий манбаалари мавжудлигидан далолат беради ва уларни учта асосий гуруҳга бирлаштириш мумкин: бюджетдан молиялаштириш; бюджетдан ташқари молиялаштириш; аралаш молиялаштириш (1-расм).

Тўғридан-тўғри молиялаштиришда давлат томонидан бюджетдан (республика ва маҳаллий) бошқарув аппаратни таъминлаш, илмий-тадқиқот ва тажриба-муҳандислик ишланмалар учун, соҳанинг таълими, спорт жамоаларни таъминлаш, стадионларни қуриш, спорт тадбирларни амалга ошириш учун маблағлар ажратилади. Давлат томонидан билвосита молиялаштиришда имтиёзли кредит ажратмалари, солиқ тўловлардан қисман ёки тўлиқ озод этилиши, субсидия ва субвенцияларни ажратилиши назарда тутилади. Масалан, АҚШда спорт ташкилотларига ажратилган спорт жиҳозлари ва ускуналари солиқ тўловлардан озод этилган, шунингдек, АҚШнинг Миллий олимпия қўмитаси барча солиқ тўловлар ва бюджетга йиғимлардан тўлиқ озод этилган[22].



1-расм. Жисмоний тарбия ва спортни молиялаштиришнинг асосий манбаалари

Манба: Мавзу доирасида илмий адабиётларнинг таҳлиллари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Бюджетдан ташқари молиялаштиришга спорт ташкилотларининг ўзларининг маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ҳисобланади, хомийлик, реклама ва лицензия фаолияти, спорт тадбирларига билетлар сотиш, теле ва радиостанцияларига спорт тадбирларини кўрсатиш ҳуқуқларини сотиш, спорт лотереялар фаолияти, ўйин бизнеси ва бошқалар. Аксарият иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда мазкур манбаалардан тўлиқ фойдаланилади. Мазкур жараён натижасида бир томондан аҳолининг спорт саноатида бандлигини таъминласа, иккинчи томондан маҳаллий ва республика бюджетини турли солиқ тўловлари ва йиғимлар билан тўлдиришини таъминлайди. Мазкур тушумларнинг маълум миқдори спортни янада ривожлантириш мақсадига хизмат қилиши мумкин.

Спорт соҳасининг тобора тижоратлаштирилиши, ушбу соҳада молиявий оқимларни бошқариш методологиясини назорат қилиш механизмларини такомиллаштириш, ҳамда даромад манбааларини оптималлаштиришни талаб этади. Яъни, спорт ташкилотларининг оқибатда ўзини-ўзи қоплашга ўтиши ҳисобланади. Спорт ташкилотларида мавжуд муаммолардан бири бу етарли миқдордаги молиявий ресурсларни шакллантириш ҳисобланади, даромадлар ва харажатлар ўртасида балансини таъминлашга қаратилганлигидир. Ушбу шароитда молиявий оқимларни самарали бошқарувини ташкил қилиш мақсадида фойдаланиладиган маълумотларнинг аниқлиги ва ҳаққонийлиги муҳим ҳисобланади.

Спортнинг тижоратлаштирилиши замонавий жамиятнинг асосий жиҳатларидан бири ҳисобланади[23]. Бу борада, Халқаро олимпия қўмитаси раиси Ж.Рогге спорт ва

тижорат компанияларнинг ўзаро алоқадорликларини ривожлантириш зарурлиги таъкидланган ва қўшимча молиялаштириш маблағлари ҳажмининг ортиши спортни мустақиллигини таъминлашга хизмат қилишини таъкидлаган[24].

С.Б. Репкиннинг фикрича, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бизнес фаолиятининг бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга, жумладан:

- спортда товар сифатида олди-сотди муносабатларда спорт инфратузулмалари, ускуналари, намоишлари ва спортга тегишли бўлган бошқа анжомлар;

- спорт натижаларининг юқори даражада аниқсизлиги ва шу билан боғлиқ ҳолда спортга инвестицияларнинг юқори риски;

- спортнинг молиявий, моддий ва меҳнат харажатлари борасида катта ҳажмда капитал талаблилиги ва бошқалар[25].

Нотижорат ва бюджетдан ташқари молиялаштиришга хомийлик ва меценатлик фаолиятини келтириш мумкин. Бунда меценатлик ҳомийлик фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланади ва унинг асосий мақсади беғараз молиявий маблағлар ёки моддий таъминот орқали маданий мерос фаолиятини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган. Масалан кўплаб Европа мамлакатларида жисмоний тарбия ва спортни меценатлик орқали қўллаб-қувватлаш фаолияти жуда кенг ривожланган, лекин шу билан биргаликда ўзларининг фаолиятлари учун давлатдан ҳеч қандай солиқ ёки бошқа имтиёзларга эга эмаслар.

Аралашган молиялаштиришда асосий шакл сифатида давлат ва хусусий шерикчилик муносабатларидан фойдаланилади.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги барча тадбирлар давлат ва хусусий шерикчилик асосида ташкил этилади. Бунда давлат томонидан шартнома йўли билан маълум бир ишлаб чиқариш ёки хизматларни кўрсатиш учун жалб қилинади. Бунинг оқибатида ҳам давлат ва ҳам хусусий секторнинг манфатлари тўлиқ инobatга олинади. Бундай фаолиятга Ригада қурилган спорт стадионини мисол келтириш мумкин, у ерда янги стадион барпо этилишида бир қисми давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилган бўлса, иккинчи қисми хусусий сектор томонидан амалга оширилган ва қурулишнинг якуни бўйича ху-

сусий секторга харажатларини қоплаш ва даромад олиш учун 30 йилга ўзининг қисмидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Белгиланган муддатнинг тугаши натижасида стадион шаҳарнинг тасарруфига тўлиқ ўтказилди [26].

Ушбу жиҳатда, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида молиявий муносабатларнинг назарий ва методологик асосларини таҳлил қилишда унинг ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва ўзгаришларини чуқур англаш учун соҳа ташкилотларини бир нечта жиҳатлари бўйича таснифлаш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларининг таснифланиши


Таснифланиши	Асосий жиҳатлари
Ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари бўйича тижорат ва нотижорат спорт ташкилотлари	Тижорат спорт ташкилотларининг асосий мақсади даромад топишга йўналтирилган бўлади. Нотижорат спорт ташкилотларининг асосий мақсади мамлакатнинг ижтимоий вазифаларини бажаришга қаратилганлиги.
Якка тартибдаги тадбиркорлар	Асосий фаолияти спорт соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашганликда кузатилади, улар жумласига, спортчиларнинг агентлари, ҳуқуқшунослари, психологлар ва бошқалар.
Спорт инфратузулмасини ривожлантиришга ихтисослашган ташкилот	Спорт объектларининг узлуксиз фаолиятини таъминлайдиган ҳамда спорт тадбирларини сифатли ва юқори савияда ташкил этишга ихтисослашган ташкилотларни келтириш мумкин. шунингдек, ушбу турга спорт нашриётларини, ахборот-таҳлилий агентликларни ҳам киритиш мумкин.
Спорт соҳасида фаолият кўрсатувчи ташкилотлар	Спорт мактаблари, федерациялар, клублар ва бошқалар
Локаллик даражаси бўйича: ҳудудий, миллий ва халқаро спорт ташкилотлари	Худудий спорт ташкилотлари маълум ҳудуд миқёсида фаолият кўрсатаётган ташкилот ҳисобланади. Миллий спорт ташкилоти – бир мамлакат ҳудудида фаолиятини амалга оширувчи ташкилот бўлади. Халқаро спорт ташкилотлари – турли мамлакатларнинг спорт ташкилотларини умумлаштирувчи бирлашма ҳисобланади (МОК, ВАДА ва бошқалар).

Манба: Муаллиф ишланмаси

Умумий ҳисобда хулоса қилиш мумкинки, жисмоний тарбия ва спортни молиялаштиришда барча мамлакатларда қўлланиладиган манбаалари деярли бир хил аммо, ҳар бир молиялаштириш манбааларидан фойдаланиш механизмлари бир-биридан фарқ қилиши билан ажралиб туради.

Лекин, барча соҳалар сингари жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам, асосий муаммолардан бири бу молиявий таъминот ҳисобланади. Молиявий таъминотнинг кенг қамровлиги аввало молиявий ресурсларга бўлган талабни қондиришга қаратилганлигини билдиради. Чунки бозор иқтисодиётининг асосий қонуниятларидан бири бу, соҳа ва тармоқларнинг самарали фаолият кўрсатиши, молиявий таъминотга бевосита асосланган бўлиб, молиявий таъминот эса, белгиланган жорий ва истиқболдаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишга хизмат қилиши зарур.

Маҳаллий ва хорижий илмий адабиётларда “молиявий таъминот” иборасининг очиб берилишида турли хилдаги ёндашувлар мавжудлигини белгилаш мумкин ва умумий холда кўплаб тадқиқотларда муаллифлар томонидан “молиявий таъминот”га тўлиқ аниқлик киритилмасдан фақат молиялаштиришнинг маълум жараёнларига таъриф берилган. Шу билан бирга аксарият тадқиқотларда “молиялаштириш” ва “молиявий таъминот” тушунчаларига бир хил ёндошилган, бу эса фикримизча, тўғри талқин эмаслигидан далолат беради, чунки, молиялаштириш, молиявий таъминот жараёнини ташкил қилишни билдиради. Чунки, молиявий таъминот жараён сифатида бир нечта босқичларни ўз ичига қамраб олади ва уларнинг ҳар бири маълум даражада назоратни талаб қилади (2-расм).



2-расм. Молиявий таъминот жараёнлари

Манба: Муаллиф ишланмаси

“Молиявий таъминот” ва “молиялаштириш” тушунчаларининг иқтисодий моҳиятининг таҳлили асосида илмий манбааларни ўрганиш ва уларни умумлаштириш асосида хулоса қилиш мумкинки, фикримизча, молиявий таъминот бу ташкилотнинг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган ва бунинг учун ажратилган молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни назорат қилиш билан боғлиқ бўлган комплекс чора-тадбирлар мажмуидир.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг ривожланиши доимий молиявий таъминотга

тўғридан-тўғри боғлиқлигини инobatга олган ҳолда, уни молиялаштиришнинг янги манбааларини аниқлаш, мавжудларини такомиллаштириш талаб этилади, шу билан бирга, соҳада шаклланган молиявий муносабатларни доимий назорат қилиш ва тартибга солиш харажатларни оптималлаштириш, мақбул даромад манбааларини аниқлаш ҳамда энг муҳими яширин ҳавфларни бартараф этиш имкониятини беради. Ушбу жиҳатдан спорт ташкилотининг молиявий маблағларини бошқаришнинг алгоритмини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир (3-расм).



3-расм. Спорт ташкилотининг молиявий маблағларини бошқаришнинг алгоритми

Манба: Муаллиф ишланмаси

Бизнинг фикримизча, энг муҳими спорт ташкилотларида мавжуд бўлган молиявий маблағларнинг сарфланиши самарадорлигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Амалга оширилган тадқиқотлардан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда жисмоний тарбия ва спортнинг молиявий таъминоти масалалари назарий ва методологик жиҳатдан тўлиқ тадқиқ этилмаган аммо шу билан бирга, долзарб аҳамиятга эга бўлган мавзулардан бири ҳисобланади. Чунки, республика ва хорижий мамлакатлар олимларининг илмий тадқиқотларини ўрганиш асосида хулоса қилиш мумкинки, жисмоний тар-

бия ва спорт иқтисодиётида ечимини қутаётган қатор муаммолар мавжуд ва айниқса ушбу муаммолар тўплами молиявий муносабатларда ўз ифодасини топган ва улар жумласига, соҳа ташкилотларида молиявий оқимларни бошқаришнинг замонавий тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, давлат ва хусусий инвесторлар томонидан спортни молиялаштириш механизмларини қайта кўриб чиқиш, молиявий муносабатларнинг асосий функцияларини тартибга солиш ва тизимлаштириш, даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш механизмларини жорий қилиш ва бошқалар.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Гуттман А. Капитализм, протестантизм и современный спорт // *Логос*, 2013. - №5. – С. 2-42.
2. Алексеев С.В. Спортивный менеджмент. Регулирование организаций и проведение физкультурных и спортивных мероприятий: учебник для студентов вузов, обучающихся по направлениям «Менеджмент организации», «Юриспруденция», «Физическая культура и спорт» / С.В. Алексеев; под ред. П.В. Крашенникова. – М.: ЮНИТИ-ДАНА: Закон и право, 2015. – 687 с.
3. Шакиржоновна К.Т., Абдумаликов У.Р., Шакиржанов Т.А. “Жисмоний тарбия ва спортдаги узлуксиз таълимни ташкил қилиш” ўқув услубий қўлланма. Т.:2012. Б.118.
4. Танибердиев А.А. Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарслари учун кластер модулини ишлаб чиқиш / педагогик фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси. Чирчиқ, 2019. Б.43
5. Ачилов А.М. “Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг жисмоний тарбия ва соғломлаштириш фаолиятини ташкил қилиш технологияси” / Педаг. фанлар. номз. илм.дараж.. диссертация. Т.: 2008. Б.7.
6. Бурдые П. программа для социологии спорта // *Начала*. М.1994. С.261-262.
7. Веблен Т. Теория праздного класса. М., 1984. С.57.
8. Омахоуни М. Физическая культура - визуальная культура: пер. с англ. М.2010 296 с.
9. Матвеев Л.П. Спорт для всех и спорт не для всех. М.2000. 122 с.
10. Гонашвили А. «Методологические основы социологии спорта» // *Монография*. Санкт-Петербург. 2017. С.52.
11. Жолдак В.И., Коротаева Н.В. Социология физической культуры и спорта. Учебное пособие. Малаховка. 1994.
12. Богданова Д.Ш. Профессиональный спорт в современном обществе: культурфилософский анализ: автореф. Дис. ... канд.филос. наук. Тверь. 2012.
13. Кузнецова П.К. Массовый спорт в современной России: социальные факторы воспроизводства и развития: автореф. Канд....социол.наук. Санкт-Петербург. 2013.
14. Сальникова И.М. Метафора «Политика – это спорт» как способ концептуализации сведений о политической действительности: на материале британского и американского медиадискурса: автореф. Дис. .. канд. филол. Наук. Воронеж. 2013.
15. Быховская И.М. Спорт: культурологические векторы анализа феномена // *Культурологический журнал* 2011/1 (3) <http://www.cr-journal.ru>
16. Болозин А.А. Массовый спорт и его значение для современной Российской молодежи // *ГУМАНИТАРИЙ ЮГА РОССИИ*. 2018. Том.7. №2. С.54-60.
17. Верещагина А.В., Самыгин С.И. Проблемы формирования здоровья российской молодежи в контексте обеспечения национальной безопасности: социологический дискурс // *Национальное здоровье*. 2015. № 1. С. 53-61.
18. Шеров А.У. “Ўзбекистонда бюджет сиёсати йўналишларини такомиллаштириш” / иқтисод.фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертация. Т.2020. Б.137.
19. Темиров М.Х. “Ўзбекистон Республикасида давлат молия тизимини ислоҳ қилишнинг истиқболли йўналишлари” / иқтисод.фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертация. Т.2019. Б.159.
20. Vaňobov A., Malíkov T. Moliya. Darslik. T.: «Noshir», 2011, 712 b.
21. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. “Молия: умумдавлат молияси”. Ўқув қўлланма. 2009. Б.556.
22. Вапнярская О.И., Золотов М.И. Зарубежный опыт управления массовым спортом // *Менеджмент в России и за рубежом*. 2006. № 3.
23. Остроухов С.А. Предпринимательство в спорте или как формируется конкурентоспособность спортивных организаций [Текст] / С.А. Остроухов, Л.Н. Орлова // *Российское предпринимательство*, 2017. - Том 18. - № 3. – С. 405-416.
24. Президент МОК Рогге открыл круглый стол "Спорт как индустрия" // *Материалы информационного агентства РИА-Новости*. <https://ria.ru/sport/20111126/498474534.html>
25. Репкин С.Б. Институциональные основы функционирования рыночной модели в спорте Республики Беларусь // *Экономика и Финансы*. 2017. №11. С.19.
- Зусман Е., Корнеев М. ГЧП в спорте: зарубежный опыт и перспективы развития в России // *Спорт и право*. 2011. № 1.